



## **Ислом - «Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва албатта, Муҳаммад Унинг элчисидир»,— деб гувоҳлик беришинг, намоз ўқишинг, закот беришинг, Рамазон (ойи) рўзасини тутишинг ва йўлига қодир бўлсанг Байтга (Каъбага) ҳаж қилиб боришинг**

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларида ўтирган эдик. Бир пайт кийимлари оппоқ, соч-соқоли қоп-қора, устида сафар аломати кўринмаётган (кийимларига гард қўнмаган-ки, узоқдан сафар қилиб келибди, десак) ва биронтамиз ҳам уни танимайдиган бир киши тўсатдан пайдо бўлди. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига келиб ўтириб, икки тиззасини (Расулуллоҳнинг) тиззаларига тиради (юзма-юз, бақамти бўлиб ўтириб олди), икки қўлини (ўзининг) сони устига қўйиб, «Эй Муҳаммад, менга Ислом ҳақида хабар бер»,— деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ислом - «Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва албатта, Муҳаммад Унинг элчисидир»,— деб гувоҳлик беришинг, намоз ўқишинг, закот беришинг, Рамазон (ойи) рўзасини тутишинг ва йўлига қодир бўлсанг Байтга (Каъбага) ҳаж қилиб боришинг»,— дедилар. У: «Тўғри айтдинг»,— деди. Унинг ишидан ажабландик: ўзи сўраб, (жавобни) ўзи тасдиқляпти. Кейин: «Менга иймон ҳақида хабар бер»,— деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Иймон) Аллоҳга, Унинг малоика-фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига ва қадарнинг яхшию ёмонига иймон келтиришинг»,— дедилар. У: «Тўғри айтдинг»,— деб, кейин «Энди эҳсон ҳақида хабар бер»,— деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Эҳсон) Аллоҳга Уни кўриб тургандек ибодат қилишинг. Агар Уни кўрмасанг, У сени кўради (биринчи ҳолатдагидек ибодат қила олмасанг, унда иккинчи ҳолатдагидек - Аллоҳ сени кўриб турганини ҳис қилиб, Унга ибодат қилишинг)»,— дедилар. У (савол беришда давом этиб): «Қиёмат (қачон бўлиши) ҳақида хабар бер»,— деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «У ҳақида сўралувчи сўровчидан илмироқ эмас (сен унинг қачон бўлишини билмаганингдек, мен ҳам бу ҳақида ҳеч нарса билмайман)»,— дедилар. У: «Унда унинг аломатлари ҳақида хабар бер»,— деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Аломатлари) чўри ўз бекасини туғиши (фарзанд улғайиб ўз онасига худди чўрисидек муомала қилиши), ялангоёқ, яланғоч, қашшоқ, (олдин) қўй боқиб юрган кишилар баланд-баланд бинолар қуришда ўзаро мусобақага киришиши»,— дедилар. Кейин у одам кетди. Бир муддат жим туриб қолдик. Кейин (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Эй Умар, бу савол берувчи кимлигини биласанми?» - дедилар. «Аллоҳ ва Расули

билгувчи роқ», деб жавоб бердим. (Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) «У Жибрил. Сизларга динингизни ўргатиш учун келган эди»,— деб айтдилар».

[Тўғри матн] [Муслим ривояти]

Умар разияллоҳу анҳу бу ҳадисда қуйидагиларни хабар бермоқдалар: «Бир куни Жаброил алайҳиссалом саҳобаи киромлар олдига улар танимайдиган киши кўринишида келди. Кийимлари оппоқ, сочлари қоп-қора, унда чарчоқ, чанг, сочлари тўзиш, кийимлари кир бўлиш каби сафар аломатлари кўринмас эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдида ўтирганлардан бирортаси у кишини танимасди. Илм олувчи каби бўлиб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига келиб ўтирди. Сўнгра ислом дини ҳақида сўради. Шунда Пайғамбаримиз исломнинг беш арконини: Шаҳодат калимасини айтиб иймон келтириш, беш вақт намозни ўз вақтида адо қилиш, закотни керакли инсонларга ўз вақтида бериш, Рамазон рўзасини тутиш ва қўлидан келган одам ҳаж қилиши керак эканини хабар бердилар. Шунда суровчи: «Тўғри айттингиз», — деди. Шунда саҳобалар билмайдигандай бўлиб сураб кейин «тўғри айттингиз» дейишидан ҳайрон қолдилар. Кейин иймон ҳақида сўради. Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам иймоннинг олти арконини баён қилдилар. Улар: Аллоҳ таолони бор деб барча сифатларига иймон келтириш ва яратишга ўхшаш ўзига хос ишларида ҳамда ибодатда яққалашлик. Сўнгра Аллоҳ таоло нурдан яратган ҳеч қачон Аллоҳга осийлик қилмайдиган ва буйруқларини аъло даражада бажарадиган фаришталарга, Аллоҳ томонидан Пайғамбарларга туширилган Таврот, Инжил ва Қуръони Карим каби бошқа китобларга, Аллоҳнинг динини етказувчи Нух, Иброҳим, Мусо, Ийсо ва уларнинг сўнгиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳим ва саллам каби барча пайғамбарларга, ҳамда қиёмат кунига иймон келтиришдир. Қиёмат: Инсон ўлганидан сўнг қабрдаги ҳаёти, қайта тирилиши, ҳисоб китоб қилиниши сўнгра жаннатга ёки дўзахга кириши каби нарсаларни ўз ичига олади. Сўнгра Аллоҳ ўз илми ва ҳикмати ила тақдирни ёзгани ва У хоҳлагандай уни яратишига қараб тақдирда ёзилган нарсалар бўлишига иймон келтиришлик. Сўнгра Эҳсон ҳақида сўради. Эҳсон – Аллоҳни кўриб тургандай ибодат қилиш, агар у бу даражагача ета олмаса, унда Аллоҳ уни кўриб тургандай ибодат қилиш. Биринчиси мушоҳада даражаси, иккинчиси мушоҳаба даражаси. Биринчиси иккинчисидан юқори роқ даража ҳисобланади. Сўнгра Қиёмат соати ҳақида сўради. Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Қиёматнинг вақтини Аллоҳгина билиши, махлуқотлардан эса ҳеч ким билмаслиги ва сўраётган ҳам сўралаётган ҳам билмаслигини хабар қилдилар. Сўнгра Қиёматнинг аломатлари ҳақида сўради. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам чўрилар ва уларнинг болалари кўп бўлиши ёки оналарига чўридай муомала қилиб оқ бўладиган болалар кўпайиши, ҳамда қуй боқувчи камбағал инсонларнинг моли-дунёси кўпайиб чиройли биноларни қуриб бир-бирларига фахрланишлари эканини баён қилдилар. Сўнгра Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу нарсаларни сўраган зот Жаброил экани ва саҳобаларга ўз динларини ўргатиш учун келганини хабар бердилар.

النجاة الخيرية  
ALNAJAT CHARITY

